1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 18 ИЮНЬ
25 (462)-сон Чоршанба

ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНИДА

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



Шаҳрисабз туманининг тоғли ҳудудида Ғилон, Мингкўчар, Сарчашма, Ҳисорак, Бошқоб, Чунгурак, Тамшуш, Сайёд, Нондек, Сувтишаҳар, Яккахона, Кўл ва Дуоба қишлоқлари ёшларига қулайлик яратилди. Денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган Ҳисорак қишлоғида Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг фойдаланишга топширилиши фикримизнинг далилидир.

— 2007-2008 ўқув йилида фойдаланишга топширилган мазкур ўқув масканида 324 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда, — дейди коллеж директори А. Маликов. — Бу ерда ҳисоблаш машиналари мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ҳамда уларнинг дастурий таъминоти, мультимедия тизимлари ва компьютер графикаси, компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш, радиолаштириш ва телевидение воситаларига техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича ўқитилади. Шунингдек, ўқув даргоҳида ўнга яқин фан тўгараклари ҳам ташкил этилган.

СУРАТДА: коллежнинг умумий кўриниши; 1-курс талабаси Чучукой Аблаева.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади. Мафкуравий тарбиянинг энг муҳим омилларидан бири ҳам оиладир. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг эътиқодга оид кўникмалари ҳам асосан шу ерда шаклланади. Демакки, миллий ғурур ва ифтихор оила тарбиясида шаклланиб, ватанпарварлик ҳис-туйғуларининг куртаклари ҳам асосан оилада ривожлана бошлайди.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ЯШАСА, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

2008 йил — Ёшлар йили

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг Дастурида ҳам фуқароларни ўз оиласи, насл-насаби, ўтмиш маданияти ва тарихи, миллий туйғу ва ғурури билан фахрланиш йўлида қалбан бирлаштиришга эътибор лозимлиги таъкидланган. Миллий ғурур, миллий орият, миллий туйғу миллатнинг энг муҳим жиҳатлари эканини фуқаролар онгига сингдириш ғоятда муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Аслида миллий ғурур халқимизнинг тарихи, маънавий қадриятлари, мамлакатимизнинг имкониятлари, истиқболини билиш ва қадрлаш, улар билан фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилиш билан боғлиқ бўлган фазилатдир. Миллий ғурур яна шундай бир туйғуки, у халқимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одат ва анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш демакдир.

Миллий ғурур яшаса, миллат яшайди. Шу боис ҳам миллий мафкура деган тушунча вужудга келди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшлар тарбиясининг мазмуни ва моҳиятида, усул ва шаклларида жиддий ўзгаришлар даври бошланди. Таълим-тарбияда миллий қадриятлар асосий ўринни эгаллади. Мамлакатда халқнинг миллий руҳини уйғотмай, миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантирмай, фуқароларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияламай туриб, тараққиётнинг юксак даражасига эришиб бўлмаслиги аён бўлди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берила бошланди, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга ғамхўрлик кучайтирилди.

Дарҳақиқат, 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унда ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлаш давлатимиз фаолиятининг устувор йўналиши қилиб белгилаб берилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ёшларга оид 100 га яқин ҳужжатлар, 10 дан ортиқ қонун, 30 дан ортиқ Президент Фармони ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Улар ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш ва ёш авлоднинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун барча имкониятларни яратишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг ижодий иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида ҳамма соҳаларда кенг имкониятлар яратиб бериляпти. «Ёшлар йили» Давлат дастури бу борада муҳим қонуний асос бўлиб хизмат қилади, албатта. Кейинги йиллар давомида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4600 дан зиёд умумтаълим мактаби янгидан бунёд этилиши, реконструкция қилиниши ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинаётганидан ёрқин далолатдир. Ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиб бериш, рўзғорини бутлаши учун маблағ ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялаб, вояга етказиш йўлида зарур имкониятлар яратилаётгани ҳам мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик узлуксиз давом этишидан дарак беради.

Бугунга келиб, етук миллий онг ва сиёсий маданият, миллий бирдамлик туйғуси заминида шаклланган ватанпарварлик руҳида тарбияланган ёшлар мустақилликни кўз қорачиғидай асраш, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирокчи бўлиш учун сафимизга кириб келмоқда. Улар ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган ва қадрламаган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллатпарварлик ҳам, ватанпарварлик ҳам бўлмаслигини чуқур англаб етган ёшлардир.

Давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» , — деб билдирган юксак ишончи келажак учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Умид ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқаро "Экосан" ташкилоти Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази билан ҳамкорликда "Ер деградациясига қарши кураш барқарор қишлоқ хўжалиги учун" мавзуига бағишланган давра суҳбати уюштирди.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва ташкилотлар, илмий ишлаб чиқариш институтлари, олий ўқув юртларининг етакчи мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Ҳар йили 17 июнни дунё ҳамжамияти томонидан "Саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни" сифатида нишонлаш анъанага айланган, — деди анжуманни очар экан Халқаро "Экосан" ташкилоти раҳбари Юсуфжон Шодиметов. — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП) маълумотларига қараганда, жаҳон бўйича 250 миллион киши чўлланиш жараёни оқибатлари таъсирини сезмоқда. Бугунги кунда ушбу хавф яна бир миллиард кишига таҳдид солмоқда. Шунингдек, деградация, яъни тупроқ ҳаётийлигини йўқотиб боришини Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Бунга саҳроланиш ва қурғоқчиликнинг авж олиб бораётганлиги бир мисолдир. Бу жараён йилдан-йилга ўз таъсир доирасини кенгайтириб бораяпти. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари излаб топилмаса, яқин ўн йилликда катта табиий офат исканжасида қолиш мумкинлиги кузатилаяпти.

Ватанимизнинг 19 фоизи тоғли зонага киради. Ўрмонзорлар атиги 2,5-3 фоизга тенг. 300 минг гектар ер ҳосилдорлигини йўқотган. Қорақалпоғистондаги ерларнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келган. Бунга Орол муаммоси асосий сабаб бўлиб қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинчалик дунёдаги 4 миллион гектар ер қумликка айланиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун саксовулзорлар ташкил қилиш керак. Иҳотазорларни қайта тиклаш зарур. Асосий эътибор саҳроланишга қарши қатъий чора кўрилишга қаратилса, бундай муаммолар тезда ҳал этилади. Бунда барчанинг ҳамжиҳатлиги зарур.

М. ҒАФУРОВ.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН:
ТАРҒИБОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ЎзМТДП тадбири

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши раислари, депутатлар ва партия фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиянинг шаҳар кенгаши раиси Раъно Зарипова очиб, йиғилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди. Шундан сўнг у «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг тарғиботи бўйича Тошкент шаҳар кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берди.

Дарҳақиқат, Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг имкониятларини кенгайтириш билан бирга, улар олдига масъулиятли вазифаларни ҳам қўймоқда. Хусусан, партиянинг вакиллик органларидаги сонини кўпайтириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан ислоҳ этиш бугунги кунда партия-дошлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Шу боисдан пленумда сўзга чиққанлар ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратишди.

Пленумда, шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг бўшаб қолган 34-Авиасозлар, 45-Фурқат, 23-Тансиқбоев, 16-Ҳумоюн, 9-Солар сайлов округларидан депутатлик ўринларига ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашидан номзодлар кўрсатилди.

Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, партия ишини янада жонлантириш юзасидан таклифлар айтилди.

Гули ОЛИМОВА.

Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши ташаббуси билан тузилган "Ёшлар парламенти"нинг аъзолари таркибини мактаб, лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртларининг иқтидорли талаба ва ўқувчилари ташкил қилади.

«ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ» АЪЗОЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА

"Ёшлар парламенти" аъзолари халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши, унинг доимий комиссиялари ишини ўрганиб, депутатларнинг жамиятдаги тутган ўрни ҳақида тасаввурларини бойитиш билан фаолиятларини бошлаган эди. Яқинда улардан бир гуруҳи пойтахтимизда бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат иши билан яқиндан танишди.

Ёшлар вакиллари парламент қуйи палатасида қабул қилинди. Самимий ўтган учрашувда Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Атҳам Шодмонов, депутат Ботиржон Дадабоевлар палатанинг фаолияти, қўмиталар, фракциялар, қонунларнинг яратилиш жараёнлари ҳақида тушунча бериб, ёшларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

"Талабалар шаҳарчаси"даги Маънавият ва маърифат маркази, Интернет клуби, кутубхоналар билан танишув ҳам илиқ таассурот қолдирди. Ёшлар Темурийлар тарихи Давлат музейи, Мустақиллик майдонига боришди, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова билан ўтказилган мулоқот ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ.

САВОБ

Соддалигимданми ёки ҳали ҳам ғўрлигимданми баъзан панд еб юраман. Кунларнинг бирида раҳбаримнинг эътиборсизлиги туфайли етти ойлик маошимни ололмадим. Шунда бир идоранинг масъул ходими раҳбаримнинг устидан ариза ёзиб бersам, ишни тезда ҳал қилиб беришини айтди.

Ўзбек феъли

Хурсанд бўлиб, ўша одамнинг ҳузурига ошиқдим. Йўлда бир қишлоқдошимни кўриб қолдим. У менга "Яқинда туғилган кунингиз экан. Онангиз нафақа пулини бериб юборди. Ўзингиз хоҳлаган нарсани оларкансиз", дея пул берди.

Пул менга жудаям зарур, ижара ҳақини беришим керак эди. Уни дарҳол ҳамёнимга солдимда, автобус томон юрдим. Автобус тирбанд экан, туртиниб-суртиниб салонга чиқиб олдим. Тўртта бекатдан сўнг тушиб, ёрдам бераман, деган одамнинг ёнига бордим. Ўша ерда ручка керак бўлиб қолди. Ручкани ҳамёнимга солиб юрардим. Целлофан пакетимни титкилаб ҳамёнимни тополмадим. Шу пайт унинг ён томонидан кесилганини кўриб, юрагим шув этиб кетди. Бўшашибгина ташқарига чиқдим.

Кейин газеталар биносига ўтдим. Мақолаларимни топшириб бўлгач, "Ташкентская неделя" газетасининг собиқ бош муҳаррири Насиба опанинг ёнига кирдим. Салом-аликдан сўнг ундан газетасини бир зумга бериб туришини сўрадим.

— Сотиб ола қолинг, — деди Насиба опа. — Уйингизга бориб хотиржам кўриб, керакли маълумотларни оласиз.

— Узр, аслида шундай қилмоқчи эдим, аммо... — дея йиғлаб юбордим. — Бор пулимни автобусда ўғирлатиб қўйдим. Ижара эгасига шу бугун қаердан бўлса ҳам пул топиб келаман деб ваъда бергандим.

— Йиғламанг, бош омон бўлса дўппи топилади. Мен ҳам бир пайтлар мусофир шаҳарда худди сизнинг ҳолатингизга тушганман, — деди Насиба опа. Сўнг бошидан ўтган бир воқеани айтиб берди: ўшанда университетда ўқирдим. Аълочи талаба бўлганлигим учун дам олишга Кавказга йўлланма беришди. Хурсанд бўлиб учиб кетдим. Ўша йилнинг 31 декабрь куни эрталаб соат саккизда Кавказдан Тошкентга учишим лозим эди. Аммо об-ҳаво ёмон бўлганлиги сабабли учиш ўн соатга кечиктирилди. Аэропортнинг кутиш залида ҳамёнимни йўқотиб қўйдим. Унда кетишим учун чиптага олиб қўйган пулим бор эди. Мусофир шаҳарда ҳеч кимни танимайман. У ердаги одамлар бизнинг одамларга ўхшамайди. Кимдан ёрдам сўрашни билмайман. Безовталаниб у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Кейин ёдимга шоир Амиркул Пўлкан тушди. У ҳам биз билан бирга дам олган эди. Ҳар куни салом-алик қилардик. Хуллас, уни излаб топдим. Кейин эса тортина-тортина воқеани айтдим.

— Ие, синглим, пул топиладиган нарса. Мен ҳам бугун қайтаяпман. Бир-биримизга шундай дамларда ёрдам бермасак, қачон кўмаклашамиз, — дея у 50 сўм узатди. Ўша пайтда бу пул битта маошнинг ярми эди. — Яна Тошкентга боргач, қайтараман, деб ўйламанг. Мен сизга чин кўнгилдан ёрдам бераяпман. Қолаверса, сиз синглимдек бўлиб қолдингиз.

Ўшанда мен у кишининг сахийлигига, оқибатлилигига, меҳр-мурувватлилигига яна бир карра амин бўлганман. Биз Амиркул Пўлкан билан Тошкент аэропортида хайрлашдик. Афсуски ўшанда ғўрлик қилиб у кишининг адресини олмаган эканман. Икки йил мобайнида бўйнимдаги қарзимни узай деб бу инсонни танишларим орқали суриштирдим. Аммо тополмадим. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, дейдилар. Инсон қачонки бошига ташвиш тушгандагина, инсонларнинг қандайлигини билиб оларкан. Сиз шукр қилинг, ҳар ҳолда ўз ватанингиздасиз. Ҳозирча, мана шу пулларни ола туринг, — дея опа менга ҳамёнидан бир талай пул чиқариб берди.

Опанинг бу марҳаматидан кўзларимга ёш келди.

— Албатта, пулларингизни қайтараман, — дедим хурсанд бўлиб.

— Энг аввало, жонингиз соғ бўлсин. Инсон савоб иш ҳам қилиб туриши керак. Қайтаришни эса хаёлингиздан чиқаринг, — дея опа мени кузатиб қўйди.

Ижарахонамга қайтаяпману опани ўйладим. Аслида Насиба опа менга етти ёт бегона аёл. Таҳририятга борганимда танишиб қолганман. Фақатгина салом-алик қилардик холос. Энди эса у мен учун қадрдон бир инсон бўлиб қолди...

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

Тарихий ҳақиқат саҳифалари

Мамлакатимиз мустақилликка қадар ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатлар субъекти мақомига эга эмас эди. Бевосита импорт операциялари марказлашган тарзда собиқ иттифоқ ташқи савдо вазирлиги ва "Центросоюз" томонидан амалга ошириларди. Юртимиз иқтисодиётининг асосан хомашё ва аграр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги туфайли озиқ-овқат маҳсулотларига, ҳаттоки, кундалик истеъмол молларини истеъмол қилишни ўзи мустақил ҳал этолмас эди. Республика таъминотини режалаштириш марказ томонидан амалга оширилди.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ САРИ

Йигирманчи мақола

Мамлакат Президенти И. Каримов шўролар давридаги ташқи сиёсат аҳволини Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида қуйидагича баҳолаганда минг карра ҳақ эди: "Таъкидлаш жоизки, мустақиллик давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди, холос. Ўша даврда ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаган бир амалдор айни пайтда коммунал хўжалик соҳасини ҳам бошқарганининг ўзиёқ бу масалага қандай юзаки қаралганини кўрсатиб турибди. Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб ўта муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишга, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар соҳасида энг мақбул йўлларни топишга тўғри келди. Роят қисқа фурсатда бу соҳада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, кейинчалик эса Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа қатор давлат бошқарув органлари тузилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди".

1991 йил 31 августда истиқлол эълон қилиниши кун тартибига мустақил давлат ва миллий манфаатларга хос ҳамда мос ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бу концепция мамлакат раҳбари И. Каримовнинг асарларида ишлаб чиқилди. Бу концепцияга Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топиши, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлатлараро ташқи сиёсатни ривожлантириш, ташқи сиёсатни мафкурадан тўла халос этиш, давлатни қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлишига эришиш, МДҲ таркибида иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик қилиш каби йўналишлар асос қилиб олинди. Давлатимизнинг ана шу ташқи сиёсат тамойиллари асосида олиб борган фаолияти натижасида бизни деярли барча давлатлар тан олди, уларнинг кўпчилиги билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўз сиёсатини халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний меъёрларини, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмасликни, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетига ҳурмат билан қарашни ҳисобга олган ҳолда олиб борди. У жаҳонда бўлаётган глобал ва минтақавий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, кўп ҳолларда эса ташаббускори сифатида чиқиш даражасига эришди. Давлатнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий прнциплари тўғрисида"ги (1996 йил, декабрь) қонунда демократик тамойиллар асосида белгилаб берилди.

Давлатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомига эришиш учун дастлаб ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолият соҳаларининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилди. XX аснинг 90-йиллари бошига келиб мамлакатимиз халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар субъекти мақомини қўлга киритиши натижасида ҳуқуқий давлатга хос бўлган ташқи сиёсат қонунчилигини яратишга зарурият туғилди. Шу билан бирга, мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида молия, пул, кредит операциялари бўйича марказга боғлиқлик, ташқи савдони қўллаб-қувватлаб турувчи инфратузилманинг деярли мавжуд эмаслиги (божхона, суғурта, транспорт, экспедиторлик, сертификация хизматлари ва бошқалар), ташқи сиёсат соҳасида ҳали малакали мутахассислар ва амалий тажрибаларнинг шакланмаганлиги натижасида мустақил давлатнинг зудлик билан ўзининг мустақил ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини шакллантириш ва ривожлантириш вазифаси кун тартибига қўйилган эди.

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш шакллари, услублари хорижий тажрибалар, миллий анъаналар ва демократик қадриятлар асосида такомиллашиб борди. Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги 2000 йил 26 май) Қонуни бу соҳадаги фаолиятни қуйидагича таърифлайди: "Ташқи иқтисодий фаолият деганда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади".

Истиқлол йилларида ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни миллий манфаатлар асосида ва кенг кўламда ривожланишига муҳим эътибор қаратиб келинди. Бу соҳада мустақил давлат тузилмаларини шакллантириш мақсадида 1991 йилда "Ўзинторг" давлат ташқи савдо компанияси, 1992 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва унинг таркибида фаолият юритадиган ташқи савдо компаниялари ташкил этилди. Миллий божхона органлари ва хизмати шакллантирилди. Истеъмол бозоридаги тақчилликка барҳам бериш, иқтисодий инқирознинг олдини олиш, шунингдек, бозор иқтисоди муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган янги экспорт ва импорт сиёсатини вужудга келтириш асосий вазифа этиб белгиланди. Даставвал халқ учун ўта муҳим, лекин тақчил бўлган кундалик истеъмол моллари — ун, шакар, ўсимлик ёғи, кир ювиш воситалари, ёнилғи материалларига бўлган эҳтиёжни қондириш чора-тадбирлари кўрила бошланди. Албатта, муаммоларни ташқи алоқаларни йўлга қўймай туриб амалга ошириб бўлмасди. Қолаверса, республика ҳали ўз миллий валютасини муомалага киритмаганлиги учун (1994 йил 1 июлига қадар) ҳам хорижий мамлакатлар билан оли-сотди ва товар айирбошлаш учун имкониятлар яратилмаган эди.

Мустақилликнинг дастлабки беш йили мобайнида ҳукуматнинг ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириши натижасида аҳоли учун зарур бўлган кундалик истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аграр соҳа ривожланишига ўтиш, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни ривожлантириш, ички бозорни ҳимоя қилиш, ички ва ташқи бозорлар талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, ижтимоий барқарорликка эришиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ислоҳотларнинг ҳаётий зарурлиги ва ҳаётийлиги, ислоҳотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги

"Андижоннефтгазқудуқтаъмирлаш" унитар шўъба корхонаси Марҳамат туманининг Полвонтош шаҳарчасида жойлашган. Шўъба корхона раҳбари Маматғафур Нурматовни ишхонасида учратдик. У газеталарнинг янги сонлари билан танишаётган экан. Журналист бўлганимиз учун қувониб кетдик. Раҳбар билан батафсил гаплашгач, у корхона бош муҳандиси Низомиддин Қаҳҳоровни таклиф этди. Самимий инсонлар билан мулоқот қилган киши яйраб кетади. Корхона раҳбари ҳам, бош муҳандис ҳам ва кейинчалик маълумотлар олиш жараёнида ким билан суҳбатлашмайлик оддийлиги ва самимияти билан уларнинг барчаси бизда жуда илиқ таассурот қолдирди.

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНСАК

нефть ва газ кўпаяди, — дейди "Андижоннефтгазқудуқтаъмирлаш" корхонаси раҳбари Маматғафур Нурматов

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан нефть мустақиллигига эришдик. Илгарилари она заминимиз қаъридан олинаётган табиий бойликларимиз олиб кетиларди. Энди эса нефть-газ конлари ўзимизники.

"Андижоннефтгазқудуқтаъмирлаш" унитар шўъба корхонаси ишчи-хизматчилари, мутахассислари нефть ва газ қатламларини устки ва остки сувлардан ҳимоялаш, юқори ва пастки нефть-газ қатламларига қайтиш, нефть-газ қатламлари маҳсулдорлигини ошириш учун қатламларга кимёвий моддалар билан ишлов бериш, нефть-газ қудуқлари тубини бегона предметлардан тозалаш, қудуқларни таъмирлаш ва созлаш билан шуғулланади. Албатта, бу юмушларни амалга ошириш жуда сермашаққат вазифа. Ноқулай табиий шароитларда, айниқса, ёзнинг жазирама иссиғида меҳнат қилаётган азаматлар шаънига ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак арзийди. Уларнинг мақсади ҳам, вазифаси ҳам табиий бойликларни кўпайтиришга хизмат қилиш.

Ислоҳот ва самара

Корхонада ўтган йили 413 та қудуқ жорий ва 117 та қудуқни тўла таъмирлаш режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса 433 та қудуқ жорий; 143 та қудуқ тўла таъмирланиб режалар ортиғи билан уддаланди. Бу эса қудуқларнинг бир маромда ишлашига, нефть ва газ қазиб олишни кўпайишига асос бўлди.

Унитар корхона мутахассислари "Андижоннефть" очиқ акциядорлик жамияти, "Муборакнефтгаз" шўъба унитар корхонаси ҳамда Хўжаобод газ сақлаш омборида қудуқларни тўла ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширадилар. Қудуқларни сифатли таъмирлаш ижобий натижалар бераётир. Масалан, "Андижоннефтгаз" очиқ акциядорлик жамиятининг нефть қудуқларидан 2 минг 497 тонна, "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси қудуқларидан 1 минг 62 тонна қўшимча нефть қазиб олинди.

Тўла таъмирланган қудуқларнинг ўртача таннархи 29 миллион 552 минг сўмни, жорий таъмирланган қудуқларнинг ўртача таннархи эса 2 миллион 275 минг сўмни ташкил этди. 2007 йил 2 миллиард 909 миллион сўмликдан ортиқ таъмирлаш ишлари бажарилиб, йиллик режа 111 фоизга уддаланди. Жорий йилнинг биринчи ярмидаги натижалар эса бундан ҳам қувонарли.

Корхонанинг бир гуруҳ мутахассислари бугунги кунда "Андижоннефть" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги қудуқларни таъмирлаш ишларини амалга ошираётир. "Муборакнефтгаз" шўъба унитар корхонасида 4 та бригада жами 60 нафар бурғуловчи ва ёрдамчи бурғуловчи бригада усталари, махсус техникалар машинистлари қудуқларни таъмирлаш ишлари билан машғул.

— Кейинги икки йилда 35 та иш ўринлари яратилди, — дейди бош мухандис Низомиддин Қаҳҳоров. — Шу йилнинг ўзида 12 нафар мутахассисга янги иш ўрни очилди. Янги иш ўринларига ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Корхона ҳисобчиларидан олинган маълумотга кўра, ўртача ойлик маош 2006 йили 238 минг 236 сўм бўлса, 2007 йилда 337 минг 237 сўмни ташкил этган. Жорий йилнинг май ойида эса бу кўрсаткич 360 минг сўмдан ортиб кетди. Ўтган йилнинг ўзида ишчи-хизматчиларга 20 миллион 428 минг моддий ёрдам, 35 миллион 779 минг сўм мукофот пули берилди. Яратилган шароитдан руҳланган жамоа аъзоларининг иш унумдорлиги ортиб бораётир. Шу ўринда бригада усталари Равшан Аҳмедов, Акмал Мирзағаниев, бурғуловчи Маҳмуд Чўтбоев, машинист Холбой Тошбоев ва шу каби ўнлаб қўли гул мутахассислар номини тилга олиш жоиздир.

Қудуқларни тўла ва жорий таъмирлаш ишлари махсус техника ва транспорт воситаларисиз амалга оширилмайди, албатта. Эришилаётган ютуқларда махсус транспорт цехи ишчи-хизматчиларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Ўтган йили транспортчилар 564 миллион 120 минг сўмлик иш бажарди. Қудуқларни тўла таъмирлашга тайёрлашда, асбоб-ускуналар билан таъминлашда тайёрлов бригадаси аъзоларининг ҳам муносиб улушлари бор.

— Технологияларни модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди корхона раҳбари Маматғафур Нурматов. — "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акционерлик корхонаси раҳбариятининг корхонамизга амалий ёрдами билан 1 миллиард 95 миллион 235 минг сўмлик техника воситалари, асбоб-ускуналар, агрегатлар, трактор кўтаргичлар, бурғулаш жиҳозлари ҳамда вагон уйлар сотиб олдик.

Қудуқларнинг бир маромда ишлашига ва нефть-газни кўпайишига хизмат қилишдек шарафли вазифани бажаришда жамоа бундан кейин ҳам салмоқли улушини қўшаверади деб умид қиламиз.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.
Муаллиф олган суратлар. ®

Лизинг хизмати:

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Бозор иқтисодиёти жараёнида машина ва ускуналар ёки умумий асосий воситалари миллий паркини жаҳон стандартлари даражасидаги янги техника билан таъминлаш инвестиция маблағлари ажратаётган молия институтларига муҳим вазифаларни юклади. Аммо уни молиялаш айрим мураккабликларни юзага келтирди. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар ҳар доим ҳам кредит олиш имкониятига тўла эга эмас.

Шу сабабли, ноанъанавий молиявий хизматларидан бири — лизинг ҳам мижозлар, ҳам тижорат банклари учун бирмунча маъқул хизмат тури сифатида вужудга келди ва ривожлана бошлади.

"Лизинг" инглизча сўз бўлиб, "мулкни ижрага олиш" маъносини билдиради. Баъзи манбаларда таъкидланишича, у машина, жиҳоз, транспорт воситалари ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бошқа ҳаракатланувчи мулкни узоқ муддатга ижарага олишни ҳам ифодалайди.

Кўпгина олимлар лизингни инсонлар фаолияти (бизнеси) тури сифатида ҳар хил таърифлар бериш билан унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга уринишган. Жумладан, айрим олимларнинг фикрига кўра "Лизинг — бу мулкни ўз эгалигига сотиб олиш ва уни кейинчалик маълум ҳақ эвазига вақтинчалик муддатга бериш юзасидан келиб чиқадиган мулкий ва иқтисодий муносабатлар мажмуидир" дейилса, бошқаларида "Лизинг — вақтинчалик бўш ва жалб қилинган молиявий маблағларни кўчар ва кўчмас мулкларни сотиб олиш ва уларни шартнома бўйича маълум муддатга жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик мақсадлари учун фойдаланишга бериш юзасидан амалга ошириладиган-молиялаштириш жараёнида вужудга келадиган тадбиркорлик фаолияти туридир", дея ифодаланган. Шунингдек, айрим молия-кредит луғатларида лизингга фақат кўчар мулкларни, яъни, ишлаб чиқариш мақсадларидаги машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, иншоотларнинг узоқ муддатли ижараси, деб ҳам тушунча берилади.

Мамлакатимизда лизингнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланилган. Қатор қонун ҳужжатларида лизинг ва унинг объекти таърифи, унда иштирок этадиган субъектлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда лизинг фаолиятини белгиловчи бошқа меъёрлар ўзининг аниқ аксини топган.

Лизинг муносабатларининг ривожланиши ҳамда тижорат банкларининг молиявий хизмат турларини кенгайтириш ҳамда кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 7 майда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1999 йил 20 июлда 776-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳужжат тижорат банкларининг лизинг бозорида фаолият юритиши тартиб-қоидаларини белгилаб, банк мижозлари бўлмиш кичик ва хусусий бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан лизинг хизматларини кўрсатиш учун мавжуд ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлайди.

Ваҳобжон ТЎХТАСИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

БУХОРО МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК КОЛЛЕЖИ

қадриятларимиз ўчоғи

Бухорои шарифда республикамиздаги бошқа ўқув юртларидан фарқ қиладиган Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи бор. Бу ерда маҳаллий анъаналарни ўзида мужассам этган касб-ҳунар сирларини ўргатиш билан бир қаторда миллий урф-одатлар, халқ амалий санъати ҳамда маданий-маънавий қадриятларимизни эъзозлаш каби фазилатларни ёшлар онгида шакллантиришда катта тажриба тўпланган.

Мазкур илм даргоҳи ўқитувчиларининг барча саъй-ҳаракатлари келажагимиз ворисларининг касб-ҳунарни пухта эгаллашларига қаратилганлиги шундан далолат бериб турибди. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги ишларнинг аҳамиятини ошириб юборди. Агар устоз-мураббийлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ўй-фикри, орзу, интилишлари ёшлик оҳангларига ошуфта бўлганлигини ҳис қиласиз, албатта.

— Бугунги кун ёшларининг даврга ҳамнафас улғаяётганлигини кўриб, қувонмасликнинг иложи йўқ, — дейди коллеж директори Мавлуда Орипова тўлқинланиб. — Шогирдларнинг дунёқарашида бўлаётган ўзгаришлардан бениҳоя ғурурланаман. Ўқувчилар Ватанимизга содиқ фарзанд бўлиб, истиқлол ғояларига садоқатини намойиш этишга ҳаракат қилишаяпти. Бунинг учун энг аввало улар чуқур билим олиб, сидқидилдан ҳунар ўрганишлари зарур. Буни талабаларимиз яхши тушунади. Ота-оналар ҳам фарзандларининг ўқиб, касб эгаллашларида бизга камарбаста бўлишмоқдаки, бундай ҳамкорлик таълим-тарбиявий ишларимиз сифатини оширишда қўл келмоқда.

Коллежда фарзандларимизнинг соғлом камолга етишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ўқув даргоҳида таълим олаётган ёшлар спортнинг бир нечта турлари билан мунтазам шуғулланадилар. Тўгараклар доимо ишлаб турибди. Билим юртида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Фаол ўқувчилар тенгқурларига ўрнак бўлишаётир. Айниқса, Светлана Каримова, Гулноз Эшонқулова, Алишер Хўжаев ҳамда опа-сингил Оксана ва Олеся Очкиналар сафбоши бўлиб, спорт орқали катта натижаларга эришмоқда. Яқинда Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида 8 нафар талабамиз иштирок этиб қайтди. Дилноза Нуриллаева енгил атлетика бўйича фахрли 3-ўринни эгаллади ва жамоага қувонч келтирди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Суҳбат чоғида коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Раҳмиддин Бўронов шундай деди:

— Ўқув масканимизда 11 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Айтиш керакки, боболаримиздан қолган бадиий ганч ва ўймакорлик, бадиий-миллий тўқимачилик, автотеххизмат, пайвандчилик касбларини эгаллашни истовчилар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бизда ўз соҳасини мукаммал эгаллаган ёшларнинг аксарияти бугунги кунда халқ хўжалигида меҳнат қилишяпти. Буни турли корхоналар раҳбарларидан билим юрти номига келаётган миннатдорчилик хатларидан ҳам билса бўлади. Хўш, бундай муваффақиятларга қандай эришаётирмиз?

Ишни, аввало, касблар йўналиши бўйича ихтисослашган корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан бошладик. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, "Бухороэнергомарказ", "220-ПМК", "Совға" зардўзлик ҳиссадорлик жамиятлари, Ҳунармандлар уюшмаси ҳамда бошқа корхона-ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Ҳамкорлик муваффақиятларга эришишда қўл келмоқда. Масалан, иқтидорли ўқувчимиз Фарҳод Раҳматов "Энг яхши мутахассис" кўрик-танлови вилоят босқичида совриндор бўлди.

Таълим-тарбия беришда тажрибали мураббий-устозларнинг хизматлари ҳам мақтовга арзигулиқдир. Шаъбон Халилов нақшлик ва ўймакорликни алоҳида қунт билан, заргар-ўқитувчи Феруз Насриддинов бу ноёб ҳунарнинг нозик қирраларини синчиклаб эгаллашга ўргатади. Билим беришда Алимардон Обидов, Умида Нажимовалар ўқув машғулотларини доимо қизиқарли олиб бориб, ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти. Шу боис, уларга шогирд тушишни ният қилган ёшлар сафи йилдан йилга кўпаймоқда.

Яна бир муҳим гап. Коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Муҳиба Ҳидоятованинг фикрича, ўтказилаётган "Энг яхши пайвандчи", Бу — бизнинг коллеж", "Касблар фестивали", "Иқтидорли мусаввирлар" ва шу каби кўплаб тадбирлар, суҳбат-учрашувлар ёшлар маънавиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Фотоальбомлар ва видеотасмаларда акс этган коллеж ҳаёти жўшқин ёшларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топиб кетишларига катта таъсир кўрсатмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири. ®

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб ривожланган мамлакатлар авиатранспорт компанияларининг ўзаро кучли рақобати муҳитида фаолият юритишга тўғри келди. Миллий авиакомпанияга собиқ иттифоқ даврида шарқий авиафлотга қарашли ҳаво транспорти парки мерос қолган бўлиб, улар маънавий жиҳатдан эскирган, кўп ёнилғи сарфлайдиган техника воситаларидан иборат эди. Самолётларнинг хизмат кўрсатиш сифати жаҳон стандартлари талабларига мутлақо жавоб бермасди.

ҲАВО ТРАНСПОРТИ:

КЕЧА ВА БУГУН

Ўзбекистонда замонавий авиация транспортини яратиш, соҳадаги эски тизимга барҳам бериб, унинг мустақил давлатга хос бўлган тизимини яратишга доир ислоҳотлар ўтказиш Президентимиз ва мамлакат ҳукуматининг диққат марказида бўлди. Қисқа муддат ичида авиация транспорти янги тизимини шакллантиришнинг дастури ишлаб чиқилиб, у амалиётга жорий этилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, компания тасарруфидаги ҳаво транспорти парки, уларга техник хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни шакллантириш, мавжуд аэропортларни ва ҳаво навигациясини бошқариш тизимини тубдан замонавийлаштириш мақсадида соҳа учун 894,2 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий мамлакатлар кредитлари ва инвестициялари олишга эришилди.

Ушбу кредитлар ҳамда инвестицияларнинг магистрал рейсларда хизмат қилишга мўлжалланган АҚШнинг "Боинг-757", "Боинг-767", "Боинг-757-200" ва Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган "А-310", "RJ-85" русумидаги замонавий ҳаво лайнерларини сотиб олишга йўналтирилиши натижасида авиация парки замонавий ҳаво кемалари билан бойиди. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарлари халқаро аэропортлари халқаро стандартлар талаблари асосида бутунлай янгидан модернизация қилиниб, улар авиация транспортининг ўзига хос маданий-ижтимоий марказларига айлантирилди. Навоий шаҳри аэропорти бутунлай янгидан қурилди. Шунингдек, ҳаво навигациясини бошқариш тизими ҳам халқаро меъёрлар талаблари асосида бутунлай янгиланди.

Юртимиз ҳаво транспорти тизимига ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий ҳаво кемаларининг кириб келиши баробарида, уларга техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш марказининг ҳам замонавий талаблар асосида ислоҳ этилиши миллий авиакомпания учун янги даромад манбаига айланди. Шунингдек, жаҳон андозаларига жавоб берадиган авиация транспортининг шаклланиши Ўзбекистон ривожланиши давлат стратегиясининг асосий йўналишларидан бирини ташкил эта бошлади.

Маълумки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ривожланган тармоқлардан бири ҳаво йўлларидан фойдаланиш ва соҳада аҳолига хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Бунинг далили сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: биргина 2007 йилнинг ўзида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси самолётлари хизматидан 2 миллион йўловчи фойдаланди, юк транспорти самолётларида 20 минг тонна турли юклар ташилди. Самолётларда ташилган йўловчиларнинг сони бир йил ичида 16,5 фоизга ортди. Кўриниб турибдики, ҳаво йўлларидан фойдаланиш йилдан-йилга ошиб бормоқда, ўзининг хизмат кўрсатиш даражаси бўйича эса замон талаблари даражасига кўтарилмоқда.

Албатта, мамлакатда замонавий ҳаво транспорти тизими шаклланганлиги, унинг халқаро рақобатбардошликка дош бера олиши, асосан жаҳондаги энг замонавий ҳаво кемаларидан иборат самолётлар парки шакллантирилганлиги юртимиз иқтисодиёти ва саноатини модернизациялашга доир амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Алишер ҚИЛИЧЕВ.

ОМОНАТ, МАНФААТДОРЛИК, САМАРА

Мамлакат халқ хўжалигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳоли бўш пул маблағларини омонат турларига қўйилишини таъминлаш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш банк-молия тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Молия тизимидаги ислоҳотлар замирида аввало, эл-юрт фаровонлиги, қолаверса, мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга эришиш каби мақсадлар мужассам.

Жорий йилнинг 20 февралида Президентимизнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда кўзда тутилган хайрли ишларни амалга оширишда ЎзМТДП фаолларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. «Савдогар» Ўзбекистон-Германия акционерлик тижорат банкининг Навоий вилояти филиалида партиянинг ўндан ортиқ аъзолари меҳнат қилишади. Банк бошқарувчиси, ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши аъзоси Баҳодир Жумаев аҳолига яратилаётган имконият ва кафолатлар хусусида шундай дейди:

— Молиявий муассасамиз аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатаётган 28 та банкларнинг биридир. Мижозларга намунали ва жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш, уларнинг ишончини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг тижорат банкларида омонатларни либераллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўзлаб қабул қилинган Фармони бу борада биз учун энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ундаги вазифаларни бажариш жараёнида банк ва мижоз ўртасидаги ишонч янада мустаҳкамланиб бораётгани қувонарлидир. Фуқароларнинг миллий, шунингдек, хорижий валютадаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳажми кенгаймоқда. Бу халқимизнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Фармон ва ижро

Дарҳақиқат, мазкур Фармон асосида жорий йилнинг 1 апрелидан 2009 йил 1 апрелгача банк ҳисоб рақамига миллий ёки хорижий валютада исталган миқдордаги маблағни ҳеч қандай чекловларсиз қўйиш имкони туғилди.

— Айни пайтда миллий валютада «Сармоядор», «Ёшлик», «Оила даромади», «Яхши ният», «Комфорт плюс» ҳамда хорижий валютада «Элит», «Эгасининг номи кўрсатилмайдиган» турлардаги омонатларга маблағ қўйиш жараёни қизғин давом этмоқда, — дейди Б. Жумаев. — Бунда қўйилмалар декларация қилинмайди, омонатчилар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади. Банк ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг маблағларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотнома ва банк сири ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланган. Фармонда кўзда тутилган шартларни бажармаган масъул шахслар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади. Биз шундай қулай имкониятлар яратилганлиги сабабли юртдошларимизни ҳамкорликка чорлашдан мамнунмиз.

Банк фаолияти билан яқиндан танишиб, мижозлар билан суҳбатлашиб, шу нарсага амин бўлдикки, «Савдогар» Ўзбекистон-Германия акционерлик тижорат банкининг Навоий вилоят филиали ҳам мижозлар ишончини оқлашга ҳаракат қилаётган молия муассасаларидан биридир. Зиёлилар партияси аъзоларининг кўпчилигини бирлаштирган банк жамоасининг хайрли ишларни амалга оширишдек эзгу ниятларига тилакдошмиз.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

Одатда, "Фалончи бобо 70 ёшга кирибди" десалар, беихтиёр ҳассасига суянганча кексалик кўрки бўлган оппоқ соқолини силаб турган нуроний отахон кўз ўнгимизда гавдаланади. Аммо бугун, аниқроғи Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни арафасида ўзининг 70 ёшли муборак тўйини нишонлаётган қаҳрамонимиз "ҳанузагача футбол ўйнайди, ўйнаганда ҳам голсиз майдонини тарк этмайди, кунига 4-5 "пара" ёшларга журналистлик касби сир-асрорларидан сабоқ бериб чарчамайди, бунинг устига кунаро у ёки бу газетада мақолалари чоп этилади, устозлари ҳақида китоблари пайдар-пай нашр этилади", десак эҳтимол ишонмассиз.

УСТОЗ

Ишонаверинг, устозимиз Сайди Умр шундай инсон, бунга исботимиз бор: ўтган йили "Спорт" газетаси соврини учун ўтказилган турнирда "Энг яхши футболчи" совринини қўлга киритган бўлса, шу йил 3 май куни "Энг яхши ёшлар мураббийси" номинацияси бўйича "Олтин қалам" миллий мукофоти билан тақдирланди. Яна билишимизча, ҳозирда устози Ғайбулла ас-Салом хотирасига бағишлаб туркум мақолалар тайёрламоқда.

Хуллас, юртимиздаги жамики қўлига қалам тутган ижод аҳлининг устози Сайди Умр шунақа инсон. Очиғи, бу зот ҳақида гапирганда одамнинг юрак тубидаги энг соф фикрлар ўз-ўзидан юзага чиқади.

Домланинг илмий ишлари, ташкилотчилик қобилияти, ўзбек журналистикасига қўшган ҳиссаси ва, энг асосийси, ўз шогирдларига нисбатан меҳрибонлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бу инсон номи эҳтимол у қадар машҳур эмасдир, аммо не-не номларни элу-юртга машҳур қилаётган, халққа маърифат улашаётган, давлатимиз сиёсатида собитқадам бораётган қанчалаб қаламкашларнинг устози сифатида ҳурмат топганлиги ойдай равшан. Бир сўз билан ҳақиқий Устоз.

Сайди Умр айни пайтда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети халқаро

Эҳтиром

журналистика факультетида электрон оммавий ахборот воситалари йўналишида ёшларга сабоқ бериб келмоқда, "Аудиовизуал журналистика" кафедрасига раҳбарлик қилмоқда. Устоз жисмида мужассам бўлган фидойилик, каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек эътибор, тўғрисўзлик, шогирдларини кашф эта билиш ва ҳимоя қилиш каби фазилатлар ҳамма мураббийларга ҳам насиб этавермайди. 2001 йилда устозга ҳукуматимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонининг берилгани ҳам бежиз эмас.

...Сайди Умиров бутунлай ўзгача одам. Талабалар унга ўз яқин дўсти, тенгдоши сингари сирдош бўлади. Ҳар қандай масала юзасидан бемалол маслаҳат сўрайди, дардлари, режалари билан ўртоқлашади. Талабаларнинг ташвишлари, орзу-интилишлари билан қизиқади ва шу билан яшайди. Республиканинг барча жойида ишлаётган журналистлар унинг номини алоҳида меҳр билан тилга олади. Жумладан, содиқ шогирдларидан бири иқтидорли шоир, таниқли журналист Эшқобил Шукур яқин кунларда домланинг қутлуғ 70 ёшга тўлиши муносабати билан ушбу шеърни битди.

Сайди ака дарёга ўхшар,
Гоҳо сокин, гоҳо мавж урган.
Кўзи бола кўзидай яшнар,
О, бу кўзлар неларни кўрган.
Футбол ўйнар болалар билан,
Маърузани шеър каби айтар.
Бомдод чоғи чиқиб уйидан,
Хуфтондан сўнг изига қайтар.
Етмиш ёзи, етмиш баҳори
Гуллаб ётар яхши ниятдан.
Керак бўлса самимиятга
Дарс берар у самимиятдан.
Етмиш қиши, етмишта кузи
Юрагидан олган андоза.
Табиатан бу одам ўзи
Табиатнинг ўзидай тоза.
Гоҳ ибодат, гоҳида ўлан,
Завқ-шавқига йўқдир ниҳоя.
Кўнглидаги болалик билан
У ҳаётни қилар ҳимоя.

Мазкур битикларда Сайди Умировнинг бутун портрерти намоён бўлган. Бу гапларимизга яна бир бор амин бўлиш учун улар билан беш дақиқа суҳбат қурсангиз бас.

Шундай азиз устозлар доим бор бўлсин.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ҳамдам НИЁЗОВ.

ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

Сўнгги йилларда мамлактимизда эл саломатлиги йўлида қатор ишлар амалга оширилаётир. Жаҳон андозалари талабига тўлиқ жавоб бера оладиган даволаш асбоб-ускуналарининг юртимизга келтирилиши бу борадаги эзгу ишларни янада жонлантириб юборди. Айни пайтда нафақат шаҳарларимиз, балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий шифохоналар қад ростлаб, беморларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда.

Буни пойтахт вилоятининг Тошкент туманига қарашли Ҳасанбой қишлоғидаги 2-касалхона фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Участка терапевти, биринчи тоифали шифокор Гавҳархон Тожиева ҳамда Жамила Шоҳидовалар кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётир. Аҳоли уларнинг хизматларидан бағоят миннатдор.

Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА.

Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳа.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Бадиий академиясида янги кўргазмалар билан мухлисларни шод этиш анъанага айланган. Ёш ижодкорлар кўргазмасининг Ёшлар йилида очилиши ҳам рамзий маънога эга.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Бу каби тадбирлар ёш ижодкорларнинг кейинги ҳаёти учун ўзига хос аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси янги номларни юзага чиқарибгина қолмай, уларнинг маҳорат даражасини ҳам белгилаб беради. Ҳозирги кўргазмада 150 дан ортиқ ёш ўз асарлари билан иштирок этди. Улар ичида талабаларнинг ҳам борлиги санъат соҳасида янги номлар етишиб чиқаётганидан далолат беради.

Экспозицияда 600 га яқин асар намойиш этилди. Улар ичида рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, батик, инсталлацион лойиҳалар ва дизайн асарлари ҳам бор. Айниқса, Нуриддин Расулов, Рустам Зиёдуллаев, Алишер ва Азамат Атабаев каби ёш рассомларнинг ижодий ишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ёшлар кўргазмаси миллий санъатимизнинг келажагига чуқурроқ назар ташлашга имкон беради. Боиси, юртимизнинг кейинги санъати ёш ижодкорларнинг маҳоратига ҳам бевосита боғлиқдир.

Акбар УМУРЗОҚОВ.

КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ФИКРЛАР

Михнинг нима эканлигини билган яхши. Аммо уни мияга эмас, тахтага қоқилишини унутмасанг бўлгани.

* * *

Устоз — бу мевали боғ. Бир шогирд сифатида сен бу боғнинг лаззатли меваларидан бахраманд бўлиб келяпсан. Ош бўлсин — бу сенинг шогирдлик ҳуқуқинг. Лекин боғни кўркам ҳолда сақлашни, ундаги дарахтларни сидқидилдан парвариш қилишни унутма. Чунки — бу сенинг шогирдлик бурчинг.

* * *

Эсингда бўлсин: талабаларга яхши сабоқ бермасдан, улардан савод талаб қилиш ноинсофликдир.

* * *

Келажакни орзу қилишдан олдин уни тасаввур қилишни ўрган.

* * *

Билиб қўй: амалдаги қонунлар, уларга амал қилингандагина қонуний амалга ошади.

* * *

Ҳамма биладиган, аммо ҳамма ҳам амал қилавермайдиган оддий қонуниятни доим ёдда тут: бошқаларнинг вақтини бекордан-бекорга олмаслик, ўз вақтингни беҳуда сарфламаслик деганидир.

Ҳаётга боқиб

* * *

Устозни илмда кучли, ҳаётда камтар, касби-корида шогирдпарвар ва ҳақиқатгўй олимлар сафидан ахтар.

* * *

Ҳушёр бўл: очкўзликка ўрганиб қолиш, айниқса, унга кўникиш — даҳшатли иш.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ.

ПАРОДИЯЛАР

Умида АБДУАЗИМОВАга

«ЎН ОЛТИДА ЁШҒИНАМ»

«Болалигим қолди ортимда,
Ўн олтида ёшгинам ҳозир...»
«Ўн олтида ёшгинам» шеъридан

* * *

«Ўн еттимни севардим жуда,
Лекин ундан айрилиб қолдим...»
«Гўзал хотира» шеъридан

* * *

Ўзимни жуда ҳам яхши кўраман,
Эркин парвоз қилар кўнгил қушлари.
Ўзгадан фарқим шу — ҳар бир ёшимга,
Беҳуда юрмасдан, шеър бағишладим.
Ўн олтига чиққан кезимни
Ўйлаб бир оз энтикиб олдим.
Ўн еттимга ҳавасим келиб,
«Аттанг», дея лаб тишлаб қолдим.
Биласизми, боғ кўчалардан
Қидираман босган изимни.
Таърифлашнинг ҳожати йўқдир
Куйдирмажон ўн саккизимни.
Мен қаерда юрсам, ҳамиша
Қофияга солдим сўзимни.
Газетада, ҳатто «Ғунча»да
Камситмадим асло ўзимни.
Эллик бешга чиққан чоғингда
Сал ўйланиб қоларкан одам.
Қиёсларим такрор бўлса ҳам
Бағишловга хотамман-хотам.
Ой-ку этак билан ёпилмас,
Наҳот қумдан иморат бўлса.
Маъзур тутинг ёзган шеърларим
Қайтарикдан иборат бўлса...

Маҳфуза УБАЙДУЛЛАЕВАга

ГЎЗАЛ, ҚАЛАМ ҚОШЛАРҒА

«Ёр севганда ёш эдим,
Гўзал, қаламқош эдим.
Нозиккина, ораста,
Мулойим, ювош эдим».
«Бевафо ёр» шеъридан

* * *

«Нози гўзал, шўхчан боқар,
Ишва билан қошин қоқар,
Юрагимга олов ёқар
Самарқанднинг гўзаллари».
«Самарқанд гўзаллари» шеъридан

* * *

Ҳа, унда сиз нозик, гўзал,
Шўхчан, дилбар, ёш эдингиз.
Ишва қилиб йўлдан урган
Зап қайрилмақош эдингиз.
Ноз-карашма хўп ярашган,
Парийларга хос эдингиз.
Тафсилотнинг ҳожати йўқ —
Анча пишиқ — тош эдингиз...
Бу гапларга қирқ йил бўлди,
Энди синглим ёш қолдими?
Сиз чўмилган анҳорларда
Қумлар оқиб, тош қолдими?
Ҳозир бозор иқтисоди,
Насияга ош қолдими?
Тузук-куруқ шеър ёзгани
Сизу бизда бош қолдими?..

Турсунбой АДАШБОЕВ.

Олов — тилсиз ёв. Бир оз бепарво қолдингизми, у сизга қарши ҳужумга ўтади. Умр бўйи пешона тери билан тўплаган молмулкингиз, уй-жойингиз, ҳаттоки ҳаётингизга ҳам хавф солади. Шундай экан, бу ёвга қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш зарур.

ЁНҒИНГА ҚАРШИ ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Буни тарғибот, тушунтириш ишлари олиб бориш орқали аввало оилада, қолаверса мактабгача тарбия муассасаларида бошламоқ лозим. Зотан, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқаётган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, бола онгида ёнғин келтириб чиқарувчи омиллар, унинг оқибатлари ҳақида тасаввурни эрта уйғотиш муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, бола ўзига ёшлигидан ўргатилган билимларни ва кўрсатилган кўникмаларни умрбод унутмайди. Булар уни ҳар доим ҳушёрликка ундайди. Шунингдек, боғчаларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бағишлаб ўтказилаётган суҳбатлар самара бериши шубҳасиз. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда 487-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтди. ЁХБ ходимлари иштирокида болалар билан ёнғин, унинг оқибатлари ҳақида ўтказилган учрашув уларда катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувларда ёнғинга қарши турли тарғибот материалларидан кўргазмали қуроллар, ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлилларидан фойдаланилса, кўнгилли самара беришига ишончимиз комил.

Озгина эътибор, қунт бўлса нохуш ҳолатларнинг олди олинади. Чунки катталарнинг бефарқлиги болаларнинг ногирон бўлиб қолишига олиб келаётганлигидан кўз юмиб ўтиб бўлмайди. Шундай экан, ота-оналар болалардан огоҳ бўлишни унутмасалар, уларнинг тилсиз ёв билан ўйнашига йўл қўймасалар мақсадга мувофиқ бўларди. Токи, келажагимиз бўлган болалар хавфсизлиги таъминлансин.

Х. НОСИРОВ,
Яккасарой тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, катта лейтенант.

«ИНОНМАҒИЛ МОЛИНГГА...»

Марҳум жигарларимнинг турбатини зиёрат этгали баъзан қабристонга кириб ўтаман. Қабристон қоровули (келинг, унинг исмини айтмай Қобил ака деб қўя қоламан) эллик бешларга борган, гапни кесиб гапирадиган, норғул киши. Яхши суҳбатдош. Диний илмдан ҳам, дунёвий илмдан ҳам тузуккина хабардор. Айниқса, байту ғазал ўқишни хуш кўради. Ҳар сафар учрашганимизда сўзини Яссавий ё Машраб ёхуд Сўфи Оллоёр шеърларини ёд ўқишдан бошлайди.

Бугун ҳам ишдан кейин мозористон томон бурилдим. Ёзнинг чилласи эмасми, кун иссиқ. Қобил ака кираверишдаги бобочинор тагида кўк чойни шопириб, елпиниб ўтирибди. Мени кўрди-ю: «Э келинг, домла!» — деб ўрнидан турди. Бир пиёла чой узатди.

— Иссиқ забтига олди, — деди сўнгра, — чилла чиллалигини қилади-да, тўғрими? Бурунгилардан қолган гап бор, — у томоқ қириб қўйди-ю ширали товушда халқ термаларидан ўқий кетди:

Бедананинг ётар жойи хас бўлур,
Чилла тушса, нортуялар маст бўлур.
Қари ўлса, ул Худонинг хасмидур,
Йигит ўлса, баланд тоғлар паст бўлур.

Қобил ака дуога қўл очди:

— Омин! Илоҳо, мана шу дарахтнинг битта япроғи ҳам бемаврид узилмасин! Илоҳо, марҳумларни ўзинг шафоат айлагин!

Қоровул икковлон биргалашиб қавму қариндошлар, таниш-билишлар қабрини айландик; уларнинг ҳақига дуо қилдик. Кейин чинор остида бир замонгача гурунглашиб ўтирдик. Гап айланиб хокисорлик, қаноат, одамийлик, такаббурликка тақалди. Қобил ака тағин Яссавий ҳикматларидан ўқиди:

Бешак билинг бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмағил молингга, бир кун кўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёқли чўбин от бир кун сенга етаро!

Ана, домла, пири Туркистоний то қиёматгача эскирмайдиган ҳикматни тўрт оғиз қилиб айтиб қўйибдилар. Ўзимиз-ку, бу фоний дунёда омонат эканмиз, нега кибру ҳавога бериламиз, а, тушунсам ўлай! Уч қаватли шоҳона иморат қурдим, деб кериламиз. Юз миллион сўмга олинган машиналаримизни кўз-кўз қиламиз. Якшанба куни неваралар билан Парижга бориб, музқаймоқ еб келдик, деб гариллаймиз. Майли, ош бўлсин. Аммо мундоқ ёнбошингдаги есир хотиннинг болаларидан ҳам хабар олдингми? Уларникида қора қозон ҳар куни қайнаётганмикан,

Маънавият сабоқлари

биласанми? Сенинг кекиришингни девордан эшитиб қолса, ўша етимлар ўксимайдими? Атрофингда биров йиғлаб турса, сен бахтли бўла оласанми? Шуларни ўйласам, кўнглим бузилади, ё Оллоҳ, бизнинг бойваччаларимизга ҳам инсофу тавфиқ бер, деб тилайман.

Қобил ака совиган чойни симирди-ю ўрнидан қўзғолди.

— Бу ёққа юринг, домла, сизга бир нима кўрсатаман.

— Қаёққа борамиз?

— Юраверинг. Дунёнинг ишларини бир томоша қиласиз.

Қабристоннинг ичкарисига қараб юрдик. Ниҳоят, катта бир хилхона олдида тўхтадик. Тўрт томони ўн метрдан келадиган чорбурчак хилхонанинг атрофига қора мармардан панжара ўрнатилган. Панжаранинг ҳар ер-ҳар ерига тарвуздек думалоқ тошлар қўйилган. Улар ҳам қора мармардан. Кираверишдаги йўлка, зиёратчилар ўтирадиган курсилар, гулдонлар — бари мармар тош. Ўртада ота-она шаънига қўйилган маҳобатли ёдгорлик. Баланд, энлик ёдгортошга зарҳал ҳарфлар ила муҳаббатнома битилган. Бу дабдаба, бу ҳашаматдан ақлингиз шошади. Беихтиёр: «Қанчага тушган экан бу?» — деган савол айланади кўнглингизда.

— Саккиз уста бир ойча ишлади, — деди Қобил ака. — Йўқ деганда бир иморатнинг пули кетгандиров. Майли, ота-онага ҳар қанча қилса ярашади. Бу йигит пулдор, дўконлари бор. Аммо алам қиладиган ери шундаки ота-онаси тириклигида уларни ойлаб кўрмас эди. Тижорат билан овора бўлиб, онасининг жанозасига ҳам етиб келолмади. Отаси уйга сиғмади. Келининнинг дастидан қизиникига бориб яшади. Ана энди «Дунёда энг азиз, энг мўътабар, каъбам онам, қиблагоҳим отам», деб ёздириб қўйибди. Бу иккиюзламачилик, мунофиқлик эмасми, домла? Тиригида хор бўлган ота-онага бундай ёдгорлик не даркор? Аслида бу ҳалиги бойвачча ўғилга керак. Кўрдингларми, биз ота-онамизнинг ётган ерларини обод қилиб қўйибмиз, деб ҳамтовоқларига мақтаниши керак-да!

Қобил аканинг куюнганича бор. Кейинги пайтда онаси оламдан кўз юмса, мени туққан аёл ўлибди, дейдиган, отаси қазо қилса, ўзи қариб-чуриган эди, дунёга устун бўлармиди, дейдиган ақли ноқис ёшлар кўпайиб кетди. Уларнинг кўнглини меҳр, мурувват, оқибат, садоқат, инсоф, тавозе, имон нурлари эмас, бу ўткинчи дунё ҳою ҳаваслари, омонат молу манот ҳирси эгаллай бошлади. Бу хавфли хуружнинг оқибатларини ўйлаб: «Кўзингни оч, эй ғофил!» — дея ҳайқиргингиз келади. Яхшиларнинг кўнгил тўрига битилган мана шу шоҳ байтларни такрорлаб, имон келтиришни афзал кўрасиз:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунингга айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Саъдулла СИЁЕВ.

«Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти жамоаси «Turkiston» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Салим Ашуровга волидаи муҳтарамаси **НИЁЗХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш — ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТА — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 21.30